

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ
ИНСТИТУТИ

894.375

УДК ~~821.512.133(092)~~ Иброҳим Даврон

ҚОДИРОВА Муҳайё Солиевна

Д.и.т. $\frac{105}{200}$


ИБРОҲИМ ДАВРОН ВА УНИНГ АДАБИЙ МЕРОСИ

10.01.02 - Ҳозирги миллий адабиёт (ўзбек адабиёти)

Филология фанлари номзоди илмий
даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби,
Беруний номидаги Давлат мукофоти
лауреати, филология фанлар доктори,
Проф. Наим КАРИМОВ

Тошкент - 2005



МУНДАРИЖА

Кириш	3
<i>I боб. Жаҳидчилик ва Қўқон адабий муҳити</i>	21
<i>1-фасл. Жаҳидчилик ҳаракати ва унинг ижтимоий-маърифий моҳияти</i>	21
<i>2-фасл. Қўқон жаҳидчилик мактабининг жамият ҳаётидаги ўрни</i>	38
<i>II боб. Иброҳим Давроннинг адабий мероси</i>	49
<i>1-фасл. Иброҳим Даврон ҳаёти ва унинг шеърларида Ватан, миллат ҳамда ёш авлод тақдири</i>	49
<i>2-фасл. Иброҳим Даврон публицистикаси, таржималари ва график расмлари</i>	90
<i>III боб. «Ашъори нисвон»нинг Иброҳим Даврон адабий меросидаги ўрни</i>	107
<i>1-фасл. «Ашъори нисвон» мажмуаси ва мажмуага кирган шеърларнинг муаллифи масаласи</i>	107
<i>2-фасл. «Ашъори нисвон» поэтикасининг айрим хусусиятлари</i>	128
Хулоса.....	139
Фойдаланилган адабиётлар	144

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. «Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш, миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида гоят муҳим ўрин тутади».¹ Зеро, «мозий – истиқболнинг тарозуси» (Бехбудий) эканлигини халқимиз бугунги кунда чуқур англаб етмоқда.

Чиндан ҳам, юртимиз, халқимиз тарихининг узоқ ва турфа саҳифаларини кўздан кечириш, уларни жиддий ва чуқур ўрганиб мулоҳаза қилиш, холис туриб баҳолаш орқалигина мустақиллигимизнинг моҳиятини тўла англаш мумкин бўлади. Шундай экан, ўз улугвор тарихи, мавжуд табиий-иқтисодий имкониятларига таянган ҳолда ўзига хос тараққиёт йўлидан бориб, дунё ҳамжамиятида обрў-эътибори ортиб бораётган Ўзбекистонимизнинг истиқболи, биринчи галда, халқимизнинг юксак маънавиятига, кишиларимизнинг яратувчилик меҳнатига боғлиқдир. Бу эса мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «мустақил дунёқарашга эга, аجدодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурига таяниб яшайдиган баркамол шахс - комил инсонни тарбиялаш»ни² ҳар қачонгидан ҳам муҳим қилиб қўяди. Ушбу олий мақсад ўтмиш адабий меросини янада чуқур таҳлил этиб, маънавият равнақига тўла сафарбар этиш вазифасини келтириб чиқаради. Айниқса, истиқлол орзуси билан яшаб, бу юксак орзу учун курашиб, ана шу муборак

¹ И.А.Каримов Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Тошкент, "Ўзбекистон", 1997. – Б. 140.

² Уша жойда. -Б.140

мақсад йўлида жон фидо этган алломаларнинг Порлоқ хотираси олдидаги ворислик бурчимиз улар фаолият кўрсатган давр, долғали жабҳаларга чуқурроқ назар ташлашни, улар қолдирган адабий меросни ўзининг чин эгаларига қайтариш, уларни том маънода халқ мулкига айлантириш вазифаси ишчимизнинг долзарблигини белгиловчи дастлабки омил бўла олади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақиллик мозийнинг нурли-нурсиз жабҳаларига чуқурроқ назар ташлаш, ўтмиш воқелигини адолат тарозусида ўлчаб, унинг ҳаққоний баҳосини бериш имконини яратди. Айниқса, XIX аср охири ва XX аср бошларидаги мустамлакачилик даври сиёсати, истибдоднинг ғайриинсоний одадларига қарши чиққан, бу сиёсатга тик боқиб, унинг асл моҳиятини очиб ташлаган оқимлар, гуруҳлар, айрим шахслар фаолиятига анчагина холис баҳо беришга муваффақ бўлинганлиги бунинг яққол далилларидан биридир. Бу мавзу доирасида турли-туман қарашлар, фикрлар, хулосалар бўлгани шубҳасиз. Фикрий бахслар пировардида тарих ва тафаккурнинг биз тилга олган давридаги энг фаол оқим - жалидчилик ҳаракати, бу оқимнинг майдонга келиш сабаблари, сиёсат ва ижтимоёт борасида олиб борган курашлари, чор ҳукумати ва маҳаллий амалдорлар томонидан улар ҳаёти ва фаолиятига қаттиқ қаршилик кўрсатилиши, тазйиқ ўтказилиши, шўро тузумининг дастлабки паллаларидаёқ бу маърифий ҳаракатга мутлақо барҳам берилганлиги борасида тадқиқотлар яратилиб, асосли далиллар илмий жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилди, ҳукумат ва қатор зиёлиларимизнинг саъй-ҳаракатлари ўлароқ, улар хотираси қайта тикланиб, эъзоз ва ҳурматга мушарраф этилди. Мунавварқори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Чўлпон каби алломалар ижоди ва

фаолиятга чуқур кириб борилади; Н.Каримов¹, Б.Қосимов², О.Шарафиддинов¹, Б.Назаров⁴, А.Жалолов⁵, Д.Қуронов⁶, У.Долимов⁷, Ш.Ризаев⁸, Р.Тожибоев⁹ каби адабиётшуносларимизнинг қимматли тадқиқотлари майдонга келди.

Айни пайтда, бир неча йиллар давомида сиёсат, иқтисодиёт ва ижтимоиётга муттасил таъсир ўтказиб келган жадиdчилик ҳаракатининг асл моҳияти, долғали тарихи, жамиятдаги ўрнини тўлиқ аниқлаб олиш, унга атрофлича баҳо бериш борасида айтилган фикрлар бир мунча камлик қилади. Бу, бизнингча, жадиdчилик ҳаракатининг пайдо бўлишидаги объектив ҳамда субъектив омилларни тўғри белгилашда, жадиdчиликнинг муайян минтақалар бўйича ёйилишидаги ўзига хосликни, жадиdчилик намояндаларининг серқирра меросини имкон қадар тўплаб, ҳар томонлама ўрганишда ва жадиdчилик даври адабиётига хос хусусиятларни белгилаб, уларнинг тугал тарихини яратишда ўз аксини топмоғи даркор. Диссертациямизда шу масалаларга мумкин

¹ *Каримов Н.* XX аср бошларидаги тарихий вазият ва жадиdчилик ҳаракатининг вужудга келиши // *Жадиdчилик: Ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққийёт учун кураш.* – Тошкент, «Университет», 1999.

² *Қосимов Б.* Маслақдошлар: Беҳбудий, Ажзий, Фитрат. – Тошкент, «Шарқ», 1994 – Б.160; *Жадиdчилик // Миллий уйғониш ва ўзбек филологияси масалалари* – Тошкент, 1999; *Исмоилбек Ғаспирали.* – Тошкент, «Чўлпон», 2002. – Б.97; *Миллий уйғониш.* – Тошкент, «Шарқ», 2002. – Б. 397.

³ *Шарафиддинов О.* 20-30-йиллардаги ҳукмрон мафкура ва жадиd адабиёти // *Жадиdчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққийёт учун кураш.*

⁴ *Назаров Б.* Миллий уйғониш ва Фитрат ижоди // «Ўзбек тили ва адабиёти», 1997. 5-сон. – Б.3-5.

⁵ *Жалолов А.* Жадиd адабиётида миллий оқодлик ва истиқлол ғоялари // – *Ўзбек тили ва адабиёти*, 1996, 4-сон; *Жалолов А.* Ўзганбоев Х. Ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг тараққийотида вақтли матбуотнинг ўрни. – Тошкент, «Фан», 1993.

⁶ *Қуронов Д.* «Кеча ва кундуз» романида характерлар психологизми. Ф.ф.н... дис. – Тошкент, 1994; *Чўлпон насри поэтикаси.* – Тошкент, «Шарқ», 2004. – Б.288.

⁷ *Долимов У.* Искоқхон Ибрат – Тошкент, «Шарқ», 1994. в.б.

⁸ *Ризаев Ш.* Жадиd драмаси – Тошкент, «Шарқ», 1997. – Б.5.

⁹ *Тожибоев Р.* Фурқатнинг фелъетоннавис излоши. – «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1989, 2-сон. – Б.54.; *Бир явми саодатди...* «Шарқ юлдузи» журн. 1998, 1-сон. – Б.164-168.

қадар эътибор берилганлиги тадқиқотнинг долзарблигини белгиловчи яна бир омил бўла олади.

Жадидчилик ҳаракатининг илғор намояндалари ҳақида, уларнинг мероси, бу мероснинг аҳамияти борасида сўз юритиш савобли, бироқ шу ҳаракатнинг фаол иштирокчилари бўлган яна бошқа шахслар ҳам борки, улар ижоди бир оз эътибордан четда қолиб келаётганлиги адолатдан эмас. Чунончи, Ҳожи Муин, Мирмуҳсин, Хуршид, Нозимахоним, Шавкат Сўфизода, Тавалло каби шоир ва ёзувчилар ижоди ва маърифатпарварлик фаолияти хусусида шу фикрларни ўртага ташлаш ўринли. Шуниси муҳимки, жадидчилик ҳаракатининг энг олдинги сафида, аввало, ижод аҳли - ёзувчи, шоирлар турганлар. Бу йилларда И.Даврон, О.Маҳмудов, Мавлавий Йўлдош, П.Қаюмий каби намояндалар борлиги ҳам тарихда маълум. Бу кунги эътиборли масалалардан яна бири Қўқон жадидчилик ҳаракати намояндалари фаолиятини атрофлича ёритишдан ҳам иборат. Тадқиқотимизга ушбу муаммонинг қўйилганлиги ишимизнинг долзарблигини кўрсатувчи белгилардан яна бири саналади.

Қўқон адабий муҳити ва, умуман, ўзбек жадидчилик ҳаракатида истиқлолни муқаддас тутган, ўлканинг миллий диний заминдаги тараққиёти учун курашган, халқ орасида катта мавқега эга маърифатпарвар шоир, носир, публицист, таржимон, мусаввир, худлас, ҳар томонлама кенг қамровли истеъдод соҳиби Иброҳим Давроннинг алоҳида ўрни бор.

Иброҳим Даврон ижоди ва фаолиятининг ҳали етарли тадқиқ қилинмаганлиги, ушбу диссертацияда бунга алоҳида ўрин берилганлиги, шунингдек, Қўқон жадидчилик ҳаракатининг хос

белгилари хусусида тўхташ имконияти мавжудлиги мавзунинг яна бир долзарб томонини кўрсатади.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Маълумки, XX аср тонгидаёқ мустамлака Туркистон заминиди миллий озодлик, маърифат, тараққиётни ўз фаолиятларининг шиорига айлантирган жадиличлик ҳаракати майдонга келди. Жадиждлар тарих майдонига дастлаб маърифатпарвар сифатида чиққан бўлсалар-да, пировардида истиқлолчилик ҳаракатининг қалдирғочларига айландилар, бу ҳаракатнинг яловбардорлари бўлдилар. Улар ўз мақсадлари йўлида мактаб-маориф, матбуот, адабиёт ва театрдан унумли фойдаландилар. Жадиждлар бу орқали маҳаллий халқнинг миллий онгини юксалтиришга ҳаракат қилдилар ва қайсидир маънода ўз мақсадларига эриша олдилар.

Тўғри, жадиличлик ҳаракати то истиқлолга қадар ўзининг холис баҳосини олган эмас. XX асрнинг бошларидаёқ бу ҳаракатга ҳайрихоҳлар ҳам, унинг келажагига шубҳа билан қараганлар ҳам бўлган. Жадиличликнинг илғор намояндалари тақдири бағоят оғир кечганлиги, ҳаётлари доимий ҳавф-хатар остида бўлганлиги, бир қатор жадиждлар совет мустабид тузуми қурбонига айланганлигини асло унутиб бўлмайди. Жадиличлик ҳаракати, бу ҳаракатнинг олдинги сафларида бўлган адибларнинг ҳаёти ва фаолияти, кейинги ўн йилликда яратилган бир мунча тадқиқотларда озми-кўпми ўз талқинини топди. Аввало, жадиличлик ҳаракати борасида 1999 йилда чоп этилган «Жадиличлик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш»¹ мажмуасига кирган мақолаларда жадиличликнинг замон ва маконда бор мураккаблиги билан аниқ

¹ Жадиличлик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. — Тошкент, «Университет», 1999. — Б.218.

тарихий шароитларда майдонга чиқиши, шаклланиши, баъзан чекиниши, сўнг яна ўсиш ва ривожланиш йўлига ўтиши сингари жараёнларнинг баъзи қирраларини ўрганишга эътибор қилинди. Тўпламдаги мақолалар муаллифлари Туркистонда юзага келган жадиличлик ҳаракатининг ўзига хос белгилари, шарқона менталитет асосида шаклланган халқни Европа цивилизациясига хос белгилар билан бойиши, янгича яшамоқни қарор топтириш йўлидаги изланишларини ёритиб беришни ўз олдларига мақсад қилиб қўйганлар ва бунга эришганлар.

Проф. Ҳамид Зиёевнинг «Жадидлар ҳаракатининг сиёсий ва ижтимоий иқтисодий замини (XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошлари)»¹ номли мақоласида жадидлар фаолиятининг негизи мустақиллик ва озодлик гоялари билан суғорилганлигини ёритар экан, мустамлакачилик ўлканинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётига мислсиз зарба берганини аниқ далиллар билан кўрсатиб берган.

Босқинчилик ва зулмга асосланган чоризм сиёсати маҳаллий халқлар орасидаги зиёлиларни кўзғолишга, турли мақсад ва маслак атрофида бирлашишга олиб келди. Ана шу ҳаракат тепасида жадидлар тургани, улар биринчи галда инсон манфаати ва маънавиятига диққат-эътиборни қаратгани, бу мақсадлар йўлида маориф, матбуот, адабиётдан самарали фойдаланганликлари мақолада алоҳида таъкидлаб ўтилган. Мазкур тўпламдаги проф. Наим Каримов қаламига мансуб «XX аср бошларидаги тарихий вазият ва жадиличлик ҳаракатининг вужудга келиши»² номли

¹ Жадиличлик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш (тўплам). – Тошкент, «Университет», 1999. (Кейинги саҳифаларда шу тўплам ҳақида фикр юритилади.)

² Уша тўплам. – Б. 23-34.

мақолада бу илғор ҳаракатнинг майдонга келиши, бунга сабаб бўлган тарихий шароит, ижтимоий-сиёсий омиллар борасида қимматли фикрлар илгари сурилган. Шулардан бири жаҳидчилик ҳаракатининг қачон пайдо бўлганлиги масаласи бўлиб, олим бу борада керакли маълумот ҳамда далилларни келтириб, шундай хулосани берган: «Жаҳидчилик XIX аср охири-XX аср бошларида Туркистонда ҳукм сурган фавкулудда қолоқ иқтисодий, ижтимоий, маданий шароитда яшаётган халқларни маърифатлаштириш, жамият ҳаётида ижтимоий ва маданий ислоҳотлар ўтказиш, пировардида, миллий мустақиллик ғояларини ҳаётга тадбиқ этиш мақсадини ўз олдига қўйган ҳаракат сифатида, тарихий вазият тақозоси билан вужудга келди».¹ Проф. Н.Каримов мазкур давр манзараси ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун бу вақтда яратилган қатор асарлар — М.Бехбудийнинг «Падарқуш», Фитратнинг «Мунозара», Чўлпоннинг «Қурбони жаҳолат», «Дўхтур Муҳаммадёр» асарларига, Ҳамза, Тавалло, Авлоний шеърларига эътибор қаратиш зарурлигини ҳам уқтиради, шу билан бирга, бу асарлар жаҳидчилик ҳаракатининг асл моҳиятини тўғри тушуниш учун кўмак беришини таъкидлаб ўтади.

Проф. Б.Қосимовнинг тўпламдан жой олган «XX аср бошида жаҳид адабиёти ва тарихий ҳодисалар» аталмиш мақоласида жаҳидчилик ҳаракати, унинг жамият ҳаётида тутган ўрни, бу ҳаракат ғояларининг манбалари ва тарғиб усуллари, йўллари хусусида тўхтаб, 10-йилларнинг иккинчи ярми «Ўзбек жаҳид адабиёти» номи билан тарихга кирган янги адабиётнинг шаклланиб, дастлабки далил қаламларини ташлаган йиллар бўлганини таъкидлайди. Миллий матбуотнинг, янги адабиётнинг

мазмуни ва йўналиши, тил ва услуби, жанр ва мавзулари, бадиияти билан боғлиқ масалалар кенг муҳокама қилина борди»¹ — деган хулосага келади. Демак, жадид матбуоти («Нажот», «Шурои ислом», «Турон», «Ойна», «Кенгаш», «Самарқанд», «Улуғ Туркистон», «Турк сўзи» каби газета ва журналларнинг чоп этилганини назарда тутсак, бу фикрларда жон борлигига шубҳа қолмайди) адабиётининг асл мақсад-йўналишини ифодалаб бера олди ва ўз саҳифаларида мазкур адабиёт намуналари учун керагича жой ажрата билди. Ўзбек жадид адабиётида шеърият билан бир қаторда наср, драматургия ҳам устиворлик қила бошлади. «Янги замонавий адабиётшунослик ва танқид шаклланди. Замон ва ижод бадиий адабиёт тили, янги адабий жанрлар билан боғлиқ масалалар матбуот саҳифаларида кенг муҳокама қилинди. М.Беҳбудий, А.Авлоний, Фитрат, Чўлпон, Иброҳим Даврон кабиларнинг бу борада вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилинган мақолалари янги эстетиканинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди».²

Проф. О.Шарафиддинов «20-30-йиллардаги ҳукмрон мафкура ва жадид адабиёти» номи остида эълон қилинган мақоласида шўро мафкурасининг жадидчилик ҳаракати ва адабиётига муносабати ҳамда 20-30-йиллар ўзбек адабиётидаги жадидона йўналиш, шеърият, наср, драматургия, публицистиканинг ўзига хос белгилари, жадид мафкурасидаги тарғиботчилик фаолияти каби масалаларга атрофлича тўхтаб ўтадики, бу ҳам жадид адабиёти борасидаги қарашларимизни тўлдиришга хизмат қилади.

Адабиётшунос А.Жалолов «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида эълон қилинган «Жадид адабиётида миллий озодлик ва

¹ Ўша тўплам. — Б. 113.

² Ўша тўплам. — Б. 117.

истиқлол ғоялари»¹ мақоласида жади́дчи́ликни́нг ма́йдонга келиш сабабларн, мазкур ҳаракатни́нг миллий маориф, миллий маданият ва миллий мафкура соҳасидаги мислсиз кураши устида тўхталар экан, жади́д ади́блари асарларида миллий озодлик ва истиқлол ғоялари ғоят устивор бўлганига алоҳида урғу беради. Айниқса, муаллифни́нг жади́д адабиётида бир қатор ўзига хос тамойилларни́нг ма́йдонга келгани ҳақидаги фикрлари алоҳида аҳамиятга моликдир. Бу тамойиллардан қуйидагиларни алоҳида ажратиш, бизнингча, ишимиз салмоғи учун фойдадан қоли бўлмайди:

1. Маърифатга, озодлик ва истиқлолга эришиш учун курашнинг муҳим бир компоненти сифатида алоҳида аҳамият берилди.

2. Диний, синфий, ирқий айирмачилик Туркистон маиший-ижтимоий, сиёсий ҳаётининг салбий хусусияти, илллати сифатида қаттиқ қораланди.

3. Тузумни тубдан ўзгартириш, янгилаш ҳақида, янги жамият куриш асослари ҳақида жиддий ижобий фикрлар баён қилинди.

4. Озодлик, истиқлол, миллат, она-Ватан, истиқбол ҳақида, унинг баркамол кицилари ҳақида тўлақонли қарашлар пайдо бўлди.

Бу белгилар жади́дчи́лик ҳаракатининг бутун моҳиятини тўла белгилаб бера олмаса-да, ўша давр адабиётининг мафкура билан боғлиқ томонларини кўрсатиб бера олади. Шуниси борки, бу хулосалар жади́д ижодкорлари поэтик нидоларининг ижтимоий-сиёсий мазмун касб этганлигини далиллайди. Фитрат, Чўлпон,

¹ Жалолов А. Жади́д адабиётида миллий озодлик ва истиқлол ғоялари. // «Ўзб. тили ва ад.» журн. — 1996, 4-сон.

А.Қодирий, Ҳамза, А.Авлоний, Сўфизода, И.Даврон кабилар ижоди ижтимоий зўрликка асосланган жамиятни маҳв этишга қаратилган, деган фикрларнинг нақадар тўғри эканлигини кўрсатади, улар илгари сурган ғоялар умумбашарий мақсад ва интилишларга ҳамоҳанг бўлганидан дарак беради.

Ш.Ризаевнинг «Жадид драмаси»¹ монографиясида ҳам бу ҳаракат илдизлари ёритиб берилиши жараёнида Туркистондаги миллий мафкура, замонавий, миллий маданият ва адабиётнинг туғилиши, бу адабиётда миллий-озодлик масаласининг устивор йўналишни ташкил этгани таъкидланади ҳамда ўзбек драматургиясининг пайдо бўлиши, ундаги ўзига хос тамойиллар М.Беҳбудий, Қодирий, Нусратилла Қудратилла, Абдулла Бадрий, Ҳожи Муин драмалари мисолида кўрсатиб берилади. Муаллифнинг жадид драматургияси борасидаги фикрлари Иброҳим Даврон фаолияти ҳамда ижодиётини тадқиқ этишда муҳим методологик асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Монографиядаги ушбу жиҳатларни тилга олар эканмиз, фикр юритаётган давр адабиёти, унинг ўрни ва мавқеи, таъсир даражаси борасида зарур тўхтамга келиш имконига эга бўламиз: «Мавжуд адабиёт (XIX аср охири ва XX асрнинг дастлабки ўн йилликлари назарда тутиляпти - М.Қ.), - деб ёзади муаллиф, шаклий ҳамда жанр тафовутлардан қатъий назар, асосан давр ғояларига хизмат қилди. Шу ўринда алоҳида таъкидламоқ зарурки, жадид адабиёти ҳаракат ғояларини акс эттирувчи бадиий ҳодиса бўлибгина қолмади, балки шу ҳаракат замирида туғилди, унинг мақсад ва вазифалари тақозосига кўра майдонга келди. Унинг ижтимоий-маърифий, сўнгра сиёсий манфаатлари учун мактаб, матбуот, театр каби маънавий восита

¹ Ш.Ризаев. Жадид драмаси. – Тошкент. Шарқ, 1997. – Б.315

бўлиб хизмат қилди. Буюк мафкуранинг таркибий қисмига айланди ва шу мафкура учун ҳам назарий, ҳам амалий ҳаракатда бўлган фидойилар томонидан бунёд этилди. «Жадидлар ўз мафкураларини тарқатиш, ўз идеялари йўлида ташвиқот олиб бориш учун адабиёт яратдилар», - деб ёзган эди кейинроқ мунаққид Турсунқул. «Бу унинг аҳамиятини сира пасайтирмайди. Аксинча, давр адабиётининг моҳиятини англашга, ундаги айрим мураккабликларни ўзига хос равишда тушунишга, баъзи жанр ва бадиий заифликларни эса ғоя парази, мақсад андишаси билан изоҳлаб, ҳар қандай ҳодисанинг тугилиши ва тақомили билан боғлиқ эволюцион ривожланишда тасаввур ҳам талқин этишни, ҳолис баҳолашни тақозо қилади»¹.

Таниқли олмон олимаси Ингеборг Балдауфнинг «XX аср ўзбек адабиётига чизгилар»² рисоласида Туркистон жадидчилик тарихи ва унинг машҳур намояндалари М.Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, А.Қодирий ҳақидаги кузатишлари баён этилган. Бу рисолада Ўрта Осиёдаги жадидчилик ҳаракатининг хос хусусиятлари кўрсатилиб, бу ҳаракатнинг моҳияти атрофлича очиқ берилган.

Б.Қосимовнинг истиқлол фидойилари – жадидлар ҳақида битган «Маслакдошлар»³ мажмуасидан ўрин олган мақолаларда ўзбек жадидчилигининг шаклланиш тамойиллари М.Бехбудий, Сиддиқий-Ажзий ва Фитратлар фаолияти ва яратган асарлари мисолида кўрсатиб берилади.

¹ Ш.Ризаев. Жадид драмаси, – Тошкент, «Шарқ», 1997.

² Балдауф И. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар, – Тошкент, 2001.

³ Қосимов Б. Маслакдошлар. – Тошкент 1994.